

14- мавзу: ЖАРЛИК ОЛДИ ЎРМОН ДАРАХТЛАРИ ЧИЗИМИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

РЕЖА:

1. Жарликлар атрофида ўрмон дарахтлари полосаларини жойлаштириш
2. Жарликнинг ён бағрларида ва остки қисмида ўрмон дарахтлари ва бута ўсимликларини ўтказиш

*** “14- мавзу: Жарлик олди ўрмон дарахтлари чизимини жойлаштириш” мавзусидаги очик маърузанинг технологик харитаси**

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 10 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақиқа	2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.	Ўқийдилар Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

* Мавзуни ўзлаштириш бўйича тезкор саволлар

- * 1. Жарлик олди ўрмон дарахтлари чизимини қирғоғидан неча метр узоқликда жойлаштирилади?
- * 2. Хайдаладиган ерларда жарлик олди ўрмон дарахтлари ўтқазувларини жойлаштиришда қўйиладиган талаблар?
- * 3. Жарлик ён бағрида жойлаштириладиган ўрмон дарахтлари чизимини жойлаштиришда қўйиладиган талаблар?
- * 4. Жарлик қиялиги 12 градусгача бўлган ён бағрларда ўрмон дарахтлари чизими қандай жойлаштирилади?

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. Т.Ўзбекистон.1999
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. Т.Ўзбекистон.1992
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”
4. Абдураззоқов А.Т ва бошқалар “Ўрмон тузиш асослари ва ихота дарахтлари полосаларини лойихалаш” фанидан ўқув қўлланма. Т. ТИМИ. 2008
5. Абдураззоқов А.Т “Ер тузиш лойихаларида эрозияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш”. Муаммоли маъруза . Т. ТИҚХМИИ, 2001

1.Жарликлар атрофида ўрмон дарахтлари полосаларини жойлаштириш

Эрозия жараёнининг интенсивлиги ёғингарчилик, сув оқимининг ҳажми тез ўтиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида кўп миқдорда тупроқ заррачалари ювилиб кетиши мумкин. Тупроқни тезланган эрозиядан сақлашда ўрмон мелиоратив тадбирларини қўллаш орқали ҳам эришиш мумкин.

Сув эрозиясининг энг хавфли ўтиш шаклларида бири. Бу жарликлар пайдо бўлишидир. Қамбар ерларда сув оқимининг кучайиши натижасида чизиқли (вертикал) эрозия пайдо бўлади, яъни жарликлар ҳосил бўлади.

Ўрмон дарахтлари чизимидан фойдаланиб жарликнинг пайдо бўлишига қарши курашиш уларнинг юза сув оқимини сингдириш қобилиятига асосланган. Бундан ташқари дарахтлар ва бута ўсимликларнинг илдизлари тупроқни қисман мустаҳкамлайди.


Ўрмон дарахтлари ўтқазуви ёрдамида жарликнинг ўсишини тўхтатиш учун дарахтлар чизимини шундай жойлаштириш лозимки у юза сув оқимини

Жарликка етиб келмасданок уни сингдириш имкониятига эга бўлсин. Бунга жарлик олди ўрмон дарахтлари чизимини ташкил қилиш орқали эришилади.

Жарлик олди ўрмон дарахтлари чизими жарликларнинг ёқаси (қирғоғи) дан 3-5 м узоқликда жойлаштирилади.


Ҳайдаладиган ерларда жарликнинг иккала томонидаги ёқаси бўйлаб 3-5 қаторли, чўққисига кўндаланг қилиб 10 -15 м. кенгликда 8-10 қаторли дарахтлар ўтқазуви жойлаштирилади.

Жарлик ва унинг асосий элементлари.





- 1-жарликнинг биринчи учи; 2 – жарликнинг иккинчи тартибдаги учи;
3-шағал ва ҳарсанглар тўпланиб қоладиган қисми (конус выноса);
4 қирғоғи – (бровка); 5 – ёни; 6 – ости; 7 – ўзан (русло);
8 – сув бўладиган чизиқ (қирра).

Агарда жарлик бир бировининг орасидаги масофа 50-100 м бўлган бир нечта чўққили бўлса у ҳолда дарахтлар ўтқазуви уларнинг барчасидан юқорида тўғри чизикли қилиб жойлаштирилади, аксинча айтилган масофа катта бўлса дарахтлар чизими ҳар бир чўққининг атрофида тўғри чизикли қилиб жойлаштирилади (расм-1).



а) жарлик чўққилари орасидаги масофа $100 >$, чўққилар юқорисида 10 қаторли ўрмон дарахтлари чизими жойлашган;






б) жарлик чўккилари орасидаги
масофа 100м<.



Жарлик чўққиси
бўйлаб ўсиб
бораётган бўлса ёқа
бўйлаб
жойлаштириладиган
дарахтлар
чизимининг узунлиги
жарлик чўққисидан
50 м масофагача
узайтириб
жойлаштирилади
(расм-2).




Расм-2. Учи бўйлаб ўсаётган жарлик қирғоғида ўрмон дарахтлари ўтқазувини жойлаштириш



2. Жарликнинг ён бағрларида ва остки қисмида ўрмон дарахтлари ва бута ўсимликларини ўтказиш

Жарлик ёқасида жойлаштириладиган ўрмон дарахтлари чизими олдин соя томондан қирғоқ бўйлаб жойлаштирилади, сўнгра остки ўрмон дарахтлари ўтқазилади (сув йўли очиқ бўлиши лозим). Кейинчалик жарликда микроиклим яхшилангандан сўнг қуёш томонидаги ёқада жойлаштирилади. Жарликни қиялиги 12 градусгача бўлган ёнбағирларида ўрмон дарахтлари қатори контур усулида жойлаштирилади, бунинг учун плуг ёрдамида кенглиги 1-1,5 м бўлган майдон чизими таёрланади. Агарда қиялик 18 градус бўлса у холда ён бағирда терассалар қурилади.

Расм-3. Жарлик остини ўрмонзорлаштиришда ўрмон дарахтлари чизимини жойлаштириш схемаси. (а,г), (в-жарлик ости; б-дара (балка) қирғоғи; д-дара (балка) остининг қолдиғи; е-дара олди ўрмон дарахтлари чизими).



Ўрмон дарахтлари чизимини фақат қулай жойлаштириш билан юқори самарасини таъминлаш қийин балки унинг юқори фойда беришига эришиш учун чизим қуйидагича бўлиши керак:



1. Дарахт ва буталар ўсаётган жой шароити биологик жихатдан мустаҳкам ва узоқ яшашга чидамли ;

2. Дарахтлар бўйи ва хажми бўйича тез ўсиш қобилиятига эга бўлиши ;

3. Дарахтлар уруғ ва вегитатив шохлар ҳисобига табиий шароитда қайта тикланиши билан фарқланиши;

4. Химоялаш хоссаларини йўқотмасдан туриб ўтин, ёғоч, техник хомашё ва мевалар беришини таъминлаши.

Бундан ташқари яна ечиладиган мухим масалалардан бири бу дарахт ва бута ўсимликларини турларини танлаш.

Хар бир дарахт ва бута ўсимликлари бажарадиган вазифасига қараб уч гуруҳга бўлинади: бош, йўлдош дарахтлар тури ва бута ўсимликлари.

Жарлик олди ўрмон дарахтлари чизимида тавсия этилаётган бош, йўлдош дарахтлар турлари ва бута ўсимликлари қуйидагилар :


1. Бош дарахтлар турлари: оқ акас, оқ тол, оқ ва хитой тераги, Паласов соснаси.

2. Йўлдош дарахтлар турлари: сибир ўриги, оддий қайрағоч, ўрмон олчаси ва олмаси, ўткир баргли заранг.

3. Бута ўсимликлари: қорақат, қора арча, облипиха, скумпия, смородина, кумушранг лох, оддий ялғич (якка), дўлана, олхўри.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти
Оққўрғон тумани "Оққўрғон" ширкат хўжалиги ерларининг

ТАРҲИ
3 булим



Чегарадош ерлар изоҳномаси

А дан Б гача "Ианка" деҳқон фермер хўжалиги уюشمоси ерлари
 Б дан В гача "Оққўрғон" ширкат хўжалиги ерлари 2-булим
 В дан Г гача "Оққўрғон" ширкат хўжалиги ерлари 4-булим
 Г дан А гача ДЗЕ (Сирдарё) ерлари



Шартли белгилар

- | | |
|---|--|
| Ердан фойдаланувчилар чегаралари | Бир жойда турадиган насослар |
| Асосий яшайдиган жойлар ва тоғорка ерлари | Баландликлар, тепаликлар ва чуқурликлар |
| Жамғат қурилмалари | Тоғоркалар |
| 1. Вайронлар | Дала тоғоркалар |
| 2. Бўриқан ва чала бўриқан қурилмалар | Қурилмаган тоғоркалар |
| Дала шайланлари | Қўшимча тоғорка |
| Деборлар ва тўсиқлар | Сўқрилдиган ҳайвонлик шўфдор ерлари, қондиқлар тартиби ва катта чегаралари |
| Қирралар, кўпоналар ва зирмонлар | Дала ҳайвонлик шўфдор ерлар |
| Яшилланган экин шўфлар | Боғлар |
| Дала шўфлар | Тўтиқлар |
| 1. Қўбурлар 2. Кўприклар | Яйловлар |
| Йил остидаги сув ўтказиш қўбурлар | Терек эрлар |
| Тўғонлар ва ўйинган ерлар | Захоти шўр ерлар |
| Ер - ўсти каналлари | Қиристонлар |
| Ер - ўсти коллектори | Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар |
| Сўй қўдони, нефть қўдони | |

* ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ